

Туз сўраган қўшни



15:04 / 18.07.2020 3471

Динимизда қўшничилик алоқаларини яхшилашга катта эътибор берилган. Инсон бир маҳаллада яшар экан, деярли ҳар куни, шунингдек, тўй, ҳашар ва бошқа ҳолатларда қўшнилари билан мулоқотда бўлади. Қўшниларнинг тотувлиги маҳалланинг, маҳалланинг тотувлиги шаҳар, вилоят ва юртнинг тинчлигига сабаб бўлади.

Аллоҳ таоло бундай деб марҳамат қилади:

«Ота-онага, қариндошларга, етимларга, мискинларга, яқин қўшниларга, ён қўшниларга, ёнбошдаги соҳибларга, кўчада қолганларга ва қўлингизда мулк бўлганларга яхшилик қилинглар» («Нисо» сураси, 36-оят).

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Менга Жаброил қўшни хусусида тавсия бераверганидан уни меросхўр қилиб қўярмикан, деб ўйлаб қолдим»**, дедилар».

Демак, Жаброил алайҳиссалом Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга қўшнига яхшилик қилиш ҳақида кўп насиҳат қилганларидан, у

зоти бобаракот гап шу тарзда давом этадиган бўлса, меросингни ҳам қўшнинг олади деса керак Жаброил деб ўйлаган эканлар. Бу ҳадис орқали қўшнига мурувват кўрсатиш аҳамиятли ишлардан эканини билиб оламиз. Қўшнига яхшилиқни илиниш борасида ҳадислар жуда кўп.

Инсонлар билан қўшни бўлиб яшар эканмиз, уларга динимизда кўрсатилганидек муомала қилишга, бирор ёрдам сўрасалар, қўлимиздан келганича ёрдам беришга интилишимиз лозим. Қўшнига озор бериш қанчалик оғир гуноҳ бўлса, қўшнига яхшилиқ қилиш жуда савобли амаллардандир.

Баъзи инсонлар бор, қўшнисига хаёлига келган ёмонликларни қилиб, озор беради. Яна шундайлари борки, қўшнисига яхшилиқ қилишнинг турли кўринишларини амалга оширади. Имкон қадар қўшнинг кўнглини кўтаришга интилади. Мана бу ҳикоя қўшнисига яхшилиқ қилишнинг ўзига хос кўринишига мисол бўлади.

Онасининг қўшни аёлдан туз сўраётганини эшитган ўғил: «Онажон, нега улардан туз сўраяпсиз? Ўзимизда туз етарли-ку!» деб сўради.

Онаси ўғлига шундай деди: «Болажоним, улар ўзлари муҳтож бўлганлари учун доим биздан баъзи нарсаларни сўраб турадилар. Мен ҳам улардан оддий, уйларида топиладиган нарсаларни сўраяпман. Бундан мақсадим, бизнинг ҳам уларга эҳтиёжимиз тушишини сездиришдир. Токи қўшнимиз биздан бирор нарса сўрамоқчи бўлганида, «Бу қўшнилариимиз ўзларига тўқ бўлсалар-да, баъзан биздан ул-бул нарса сўраб туришади-ку!» деган фикр билан, хижолат бўлмай сўрасинлар деб шундай қиляпман».

Аллоҳ таоло барчамизни қўшнига яхшилиқ қилувчи, озор беришдан тийилувчи мусулмонлардан қилиб, яхши инсонларга қўшни қилсин!

Интернет маълумотлари асосида Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади